ЎЗБЕКИСТОНДА ПСОРИАЗ КАСАЛЛИГИНИ РЎЙХАТГА ОЛИНИШИ БЎЙИЧА СТАТИСТИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Н.И. Боймурзаев[1], М.И. Исмоилова[2]
[1,2]Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий маркази, Альфраганус университети, тиббиёт факультети

DOI: 10.67620/dermajournal.1730016

Тадқиқот мақсади. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида псориазнинг 2023–2025 йилларга тегишли статистик рўйхатга олиниши ва тарқалиш динамикасини ўрганиш, касалликнинг жинс хусусиятларини таҳлил қилиш ҳамда эпидемиологик мониторингни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқотда Ўзбекистонда псориаз эпидемиологиясига бағишланган илмий тадқиқот материаллари, 2023–2025 йиллардаги статистик маълумотлардан фойдаланилган.

Статистик таҳлилда тарқалиш кўрсаткичлари 100 000 аҳолига нисбатан баҳоланган. Беморлар ёши, жинси, клиник шакли ва касаллик оғирлиги бўйича гуруҳларга ажратилган. Тадқиқот муаллифлари статистик ишлов беришда IBM SPSS Statistics 23.0 ва Microsoft Excel 2016 дастурларидан фойдаланган.

Натижалар. Тадқиқот натижаларига кўра, псориаз ташхиси билан рўйхатга олишнинг республика кўрсаткичи 2022 йилда 100 минг аҳолига нисбатан 16,3 та, 2023 йилда 15,6 та, 2024 йилда 15,0 та, 2025 йилда эса 14,3 та бўлган. Демак, бу маълумотлар псориазни аниқланиш кўрсаткичи йиллар давомида пасайганини кўрсатади.

Ҳудудлар кесимида ўрганилганда, 2022 йилда Тошкент шаҳрида 100 минг аҳолига нисбатан 35,4 та, 2023 йилда 100 минг аҳолига нисбатан 33,5 та, 2024 йилда 100 минг аҳолига нисбатан 26,1 та, 2025 йилда эса 100 минг аҳолига нисбатан 27,1 та янги ҳолат рўйхатга олинган. Шунингдек, Бухоро вилоятида ҳам нисбатан псориаз касаллиги кўпроқ аниқланган: мос равишда 20,8 та, 17,4 та, 25,9 та ва 33,3 та.

Республикамизнинг айрим ҳудудларида эса, псориазни бирламчи аниқланиши нисбатан жуда кам бўлган: ҳар 100 минг аҳолига нисбатан Жиззах вилоятида 2022 йилда 5,0 та, 2023 йилда, 5,1 та, 2024 йилда 9,3 та, 2025 йилда 7,0 та псориаз билан касалланган беморлар аниқланган. Қашқадарё вилоятида ҳам нисбатан псориаз касаллиги кам аниқланган: мос равишда 13,8 та, 5,0 та, 6,6 та ва 5,4 та.

Шунингдек, 2025 йил якуни билан псориаз ташхиси билан диспансер назоратида қолган беморлар тўғрисидаги статистик маълумотлар ҳам ўрганилди. Тадқиқотларда псориаз ташхиси билан диспансер назоратида тўрган беморлар 100 минг аҳолига нисбатан республика кўрсаткичи 60,9 та бўлиб, ҳудудлар кесимида ўрганилганда Тошкент, Бухоро ва Хоразм вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида псориаз ташхиси билан диспансер назоратида тўрган беморлар нисбатан кўп эканлиги аниқланди: мос равишда 100 минг аҳолига нисбатан 140,4 та; 136,8 та; 117,8 та ва 117,1 та.

Республика маълумотларига кўра, псориаз ташхиси билан диспансер назоратида тўрган беморларнинг кўпроқ қисмини эркаклар ташкил қилмоқда. Яъни, жами беморларнинг 51,2%ни эркаклар ва 48,8% ни аёллар ташкил қилган.

Муҳокама. 2022–2025 йиллар статистик маълумотлар Ўзбекистонда псориазнинг аниқланиши йиллар давомида камайган. Беморларнинг жинсига кўра, нисбатан эркакларда кўпроқ касаллик аниқланган.

Бироқ, касаллик бўйича статистик кўрсаткичлар псориазнинг ҳақиқий тарқалиши билан тўлиқ тенглаштириб бўлмайди. Тиббий муассасага мурожаат қилмаган беморлар,

енгил шаклдаги касалликка эга шахслар ва бошқа сабаблар эвазига расмий ҳисобдан четда қолиши мумкин.

Тадқиқот муаллифлари ҳам Ўзбекистонда псориаз эпидемиологияси бўйича маълумотлар ҳажми ва сифатини ошириш, диагностик меъзонлар ҳамда касалланиш ва тарқалиш ҳисоботларини стандартлаштириш зарурлигини таъкидлайди. Бу борадаги амалий ишлар тиббиётни рақамлаштириш жараёнида кўзга ташланмоқда.